



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2013 йил 24 СЕНТЯБРЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 192 (12.503)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ИНТЕЛЛЕКТУАЛ БИЛИМЛИ ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ ТАЯНЧИ

«Камолот» ЁИХ Марказий Кенгашида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Шайхонтоҳур туман хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИХ туман Кенгаши, Маънавият тарғибот маркази туман бўлимлари билан ҳамкорликда «Ораста ёшлар» интеллектуал заковат мусобақаси ўтказилди.

2011 йилда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан республикадаги ўқув муассасаларида ҳамда маҳаллаларда жамоатчилик асосида ташкил этилган «Ораста қизлар» тўғраги ва давраси бугунги кунда юзлаб ёшларни бир жамоа остида бирлаштириб, уларнинг тиббий, маънавий, ҳуқуқий билим даражаларини мустаҳкамлаш билан бирга жамиятда ҳар томонлама етуқ ёш оилаларни барпо этишдек улкан вазифани бажариб келмоқда. Ушбу ном остида бирлашган ёшлар бугунги кунда ўз ватанига, маҳалласига бўлган дахлдорлик ҳиссини туйган ҳолда, уни обо-

донлаштириш, кўкаламзорлаштириш, тенгдошларини турли зарарли оқимлардан сақлаш каби вазифаларни ўз олдларига қўйиб, биргаликда фаолият олиб бормоқдалар.

— Бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган интеллектуал мусобақа ўқувчиларнинг маънавий билимларини янада юксалтиришга хизмат қилади, — дейди Шайхонтоҳур тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Сурайё Пулатова. — Таъкидлаш жоизки, мусобақа уларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларига ҳурмат

руҳида тарбиялаш, интеллектуал билим даражаларини мустаҳкамлаш, ёшларнинг эркин фикрлаш қобилияти ва нутқ маданиятини ўстириш ҳамда ижтимоий фаоллигини ошириш, шуниингдек, зукко, билимдон ўқувчиларни аниқлаш ва уларни муносиб рағбатлантириш мақсадида ўтказилди.

Жорий йилнинг август-сентябрь ойлари давомида ўтказилган саралаш босқичи орқали тумандаги ўрта махсус ўқув юртлари ҳамда маҳаллалар кесимида жами 18 нафар жамоа туман босқичида қолиб қолган кўлга киритиш учун ташриф буюрди.

(Давоми 2-бетда)

Мамлакатимиздаги тарихий обидалар, замонавий шаҳарлар, хушманзара табиат ва файзли гўшалар ҳар қандай одам эътиборини тортади. Юртимизга ташриф буюрган сайёҳлар буни алоҳида эътироф этади. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА мухбири ана шундай хорижлик меҳмонларнинг айримлари билан суҳбатлашди.

Ўзбекистон хорижликлар нигоҳида

ЎЗБЕКИСТОНГА МАФТУН БЎЛИБ ҚОЛДИМ

Ал-Хусайний Мухаммад АЛ-МАҲАЛАВИЙ, тадбиркор (Миср):

— Ўзбекистонга тўрт йил аввал келган эдим. Ўтган йиллар мобайнида юртингиз, хусусан, Тошкент таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди. Кўплаб тарихий обида ва қадамжолар таъмирланибди, замонавий иншоотлар, турар-жойлар, савдо марказлари қад ростлабди. Кўчалар, боғлар, маҳаллалар янада кўркамлашибди. Ўзбекистонга лоақал бир йил келмаган одам бу ердаги улкан ўзгаришларни кўриб, ҳайратга тушибди.

Ўзбекистон халқининг барча соҳаларда эришяётган улкан ютуқларига ҳавас қилса арзийди. Бу Президент Ислам Каримов раҳнамолигида узоқни кўзлаб олиб борилаётган оқилонга сиёсатнинг самарасидир.

Биласиз, Мисрда бир неча йилдан бери нотинчлик. Қарама-қаршиликлар одамларнинг тинчасини қуритган. Ҳамма ёқда отишма, қотиллик, босқинчилик, қаҳатчилик, очлик. Турмушимизда ҳаловат, ишмишда барақа йўқ.

Ўзбекистонда тинчлик-осойишталик доим барқарор. Одамларнинг юз-кўзларида хотиржамлик, эртанги кунга ишонч зоҳир. Кўчалар озода, бозорлар тўкин-сочин. Тошкентнинг ана шундай обод кўча ва хиёбонларида сайр қилиб, мусаффо ҳавосидан нафас олиб тўямаялман. Юртингиздаги ҳар бир инсон бундай барқарорлик ва хотиржамликнинг қадрига етиши, Президент Ислам Каримов атрофида янада қаттиқроқ жипслашиб, мустақилликнинг, шу дорилмомон кўнларнинг қадрига етиб яшайиш даркор. Бир кун жанжал чиққан жойдан қирқ кун барақа кетади, деган ўзбек мақоли нақадар тўғри эканига баъзи Араб мамлакатларида давом этаётган қонли воқеалар яққол мисолдир.

Николас ЯНСЕН, муҳандис (Бельгия):

— Кўп мамлакатларда бўлганман, лекин ўзбек халқидек меҳмондўст халқни кўрмаганман. Бу юртингиздаги тинчлик-осойишталик, халқингизнинг фаровон турмушидан далолат.

Самарқанд, Бухоро ва Тошкентда меҳмон бўлдим. Бу шаҳарлар менга Шарқ эртақларини эслатди. Замонавий бинолар билан бирга, маҳобатли мадрасалар, қарвонсаройлар, миноралар, бошқа осори-атикаларнинг барчаси хотирамда бир умр муҳрланиб қолади. Бу қадимий шаҳарларда ҳаёт қайнаётгани, ўтмиш ва цивилизация ёнма-ён яшаётгани мени ҳайратга солди, ҳавасимни келтирди. Халқингиз неча асрлик обидаларини кўз қорачигидек асраб-авайлаб келаётгани гоё қувонардир. Бу — ўзбек халқининг бой тарихи, маданияти, юксак интеллектуал салоҳиятидан далолатдир.

Кўҳна ва замонавий шаҳарларингизда кўплаб суратлар олдим. Ватанимга қайтганимда юртдошларимга меҳмондўст Ўзбекистон, унинг қадимий шаҳарлари, самимий инсонлари ҳақида сўзлаб бераман.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2013 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Мажлисида таъкидландики, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети 2013 йил биринчи ярим йиллигида Олий Мажлис томонидан маъқулланган кўрсаткичларга мувофиқ, шуниингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан жорий йилнинг 18 январь кунини Ҳукумат мажлисида белгилаб берилган 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устуворликлари аниқ мақсадга мувофиқ амалга оширилган ҳолда ижро этилди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларига қарамай, ҳукумат биринчи ярим йилликда иқтисодиётнинг барқарор ўсишини ва макроиқтисодий барқарорлиқни сақлашга муваффақ бўлди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида иқтисодиёт барча соҳаларининг, шу жумладан саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, чакана товар айланмаси ва хизматлар ҳажмларининг юқори ўсиш суръатлари таъминланди. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8 фоизни ташкил этди. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобот даврида профицит билан ижро этилди.

Мажлисида қайд этиб ўтилдики, асосий эътибор ҳисобот даврида ижтимоий соҳани молиялаштиришга, яъни

таълим, соғлиқни сақлаш соҳасини янада ривожлантиришга, аҳолини мақсадли ижтимоий қўллаб-қувватлашга, биринчи навбатдаги тўловларни ўз вақтида молиялаштиришга қаратилиб, ушбу харажатлар ҳисобот даврида Давлат бюджетни умумий харажатларининг 60,9 фоизини ташкил этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИКДАГИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Мамлакатда қабул қилинган иқтисодий ривожлантиришнинг ўзимизга хос ва мос моделини ва унинг асосида ишлаб чиқилган мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича пухта ўйланган дастур принципларини изчил рўйбга чиқариш туфайли 2013 йилнинг биринчи ярим йиллигида барқарор юқори ўсиш суръати ва иқтисодиётнинг макроиқтисодий мутаносиблиги таъминланганлиги таъкидланди. Мамлакатни ривожлантириш, янгилаш ва модернизация қилишнинг Ўзбекистон раҳба-

рияти томонидан тўғри танланган стратегияси туфайли Вазирлар Маҳкамаси жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқирозга муваффақиятли қарши қўрашшга, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ва халқ фаровонлигининг ошишини таъминлашга муваффақ бўлди.

Кун тартибидagi масалани кўриб чиқиш чоғидаги баҳс-мунозаралар жараёнида депутатлар бюджет кўрсаткичларининг ижроси бўйича вазирликлар ва идоралар фаолиятида қайта кўриб чиқишни ёки янада такомиллаштиришни талаб қилаётган масалалар мавжудлигини қайд этдилар. Жумладан, мажлисида таъкидландики, «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талаблари бузилган ҳолда бир қанча муассасаларда маблағларни мақсадсиз сарфлаш ҳоллари ҳамон юз бермоқда, молиявий ҳуқуқбузарликлар аниқланмоқда.

Савол-жавоблардан сўнг ҳисобот батафсил муҳокама этилди, муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Мажлисида ЎзЛиДеП фракцияси партия электроратининг маффаатларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилганини алоҳида ажратиб кўрсатди. Тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишини қўллаб-қувватлаш юзасидан қўрилган чора-тадбирлар натижасида йил бошидан буён мамлакатимизда 15,8 мингта янги кичик бизнес субъекти ташкил этилди. Бунда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналарининг умумий сони 2012 йилнинг шу давридагига нисбатан 4,6 фоизга ошди.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Наманган вилояти Наманган туманидаги «Зиё Нур Моҳинабону» масъулияти чекланган жамиятининг гишт ишлаб чиқариш корхонасида тайёрланган дастлабки маҳсулот қурилиш объектларига етказиб берилди. Йилига 10 миллион дона гишт ишлаб чиқариш қувватига эга мазкур корхона фаолиятининг дастлабки босқичида маҳаллий ёшлардан 20 нафари иш билан таъминланди. Йил охирига қадар яна 25 янги иш ўрни яратилади.

• Термиз шаҳрида Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни ижросини ўрганиш натижалари муҳокама этилди. Ангор, Денов, Термиз, Қумқўрғон, Шеробод ва бошқа туманлар ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, айрим бошқармалар фаолиятида йўл қўйилган хато ва камчиликлар чуқур таҳлил қилинди. Уларни бартараф этиш чоралари белгиланди.

• Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманида йилига 600 тонна кир ювиш воситаси — синтетик қуқун ишлаб чиқарувчи янги корхона иш бошлади. «Манғит грант медиа» масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилган ушбу лойиҳага кўра 7 нафар маҳаллий йигит-қиз иш билан таъминланди. Улар томонидан қисқа муддат ичида 60 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилиб, қадокланган ҳолда харидорларга тақдим этилди.

• Инвестиция дастурига мувофиқ амалга оширилган 1 миллиард 200 миллион сўмдан зиёд бунёдкорлик ишлари туфайли Қўнғирот тумани марказидан 30 километр олисда жойлашган Ажиниёз ва Мамут овулларида яшаётган 2 мингдан зиёд аҳолига тоза ичимлик суви етказиб берилди. Бунинг учун 14 километрлик сув қувурлари ётқизилди.

ЖАҲОНДА

• Нью-Йоркда ўтган ҳафтада бошланган БМТ Бош Ассамблеясининг 68-сессияси ўз ишини давом эттирмоқда. Унда БМТга аъзо 193 та давлатдан делегатлар, жумладан 131 та давлатнинг раҳбарлари ёки ҳукумат бошлиқлари қатнашмоқда. БМТ тарихида энг кўп вакиллар қатнашган ушбу мажлисда 170 дан ортиқ масала кўриб чиқилиб, муҳокама этилмоқда. Шу билан бирга БМТ Хавфсизлик Кенгашини ислоҳ қилиш масаласини кўриб чиқиш ҳам тақлиф этилган.

• Канадалик Тон Гроссет 2005 йилда Майк Мантин томонидан ўрнатилган рекордни янгиланган ҳолда Гиннеснинг рекордлар китобига энг тезкор дўмбирачи сифатида киритилди. Собiq рекордчи бир дақиқада дўмбирага 1203 та зарба беришга муваффақ бўлган бўлса, Том Гроссет бу кўрсаткични 1208 тага етказди. Рекорд ўрнатиш пайтида зарба частоталари ва сонини Drumometer номли махсус машина назорат қилиб борди.

• Нью-Йорк штатининг Ширли шаҳрида истиқомат қилувчи, жониворларни муҳофаза қилиш муниципал хизматида фаолият кўрсатувчи Ричард Парринелло уйда хусусий шахслар томонидан боқиб тақибланган турларни ҳам ҳисобга олган ҳолда жами 850 та илонни яширинча сақлаётгани маълум бўлди.

ҚИСКА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Бадиий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида

«Устозларга таъзим!» деб номланган бадиий кўргазма ташкил этилди.

✓ **БУГУН** Учтепа туманидаги «Богобод» маҳалла гузарига Зулфия номидаги маданият уйи бадиий ҳаваскор-

лик жамоасининг концерт дастури бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Ёшлар ижод саройида «Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам» шиори остида кўргазма очилди.

✓ **КЕЧА** Тошкент қурилиш ва миллий хунарамандчилик касб-хунар коллежида «Ободлик кўнгилдан бошланади» мавзuida тадбир уюштирилди.

ЎЗБЕКИСТОНГА МАФТУН БЎЛИБ ҚОЛДИМ

(Давоми. Боши 1-бетда)

**Стефано МОРРИТТ,
Ўқитувчи (Италия):**

— Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Юртингизни тўғрисида кўп ўқиганман. Лекин уни ўз кўзин билан кўришнинг завқи бошқача экан. Мўъжизавий шаҳарларингизни томоша қилиб, қадимий ва бой маданиятингиз, миллий урф-одатларингиз билан танишиб, Ўзбекистонга мафтун бўлиб қолдим. Жаннатмонанд заминингизда етиштирилган ширин-шакар ноз-неъматлардан баҳраманд бўлдим. Уларнинг таъми бир умр озғинда қолади.

Мамлакатингизда сайёҳларнинг мароқли дам олиши учун барча қулайликлар яратилмоқда. Шу боис Ўзбекистоннинг жаҳон туризм бозоридagi нуфузи тобора ошиб бораётди.

Ўқитувчи бўлганим боис ёшлар таълим-тарбияси масалалари билан қизиқдим, ёшлар билан суҳбатладим. Ўзбекистон ёшларининг интеллектуал салоҳияти, маданияти жуда юқори. Бу Президент Ислам Каримов раҳнаомлигида Ўзбекистонда таълим соҳасига, ёшлар тарбиясига қаратилган улкан эътибор самараси эканини бутун дунё билади. Таҳсил олиш учун яратилган замонавий шарт-шароит, давлат раҳбарининг доимий эътиборига сазовор ўзбек ёшларига ҳавасим келди. Бундай юксак эътибор ва ғамхўрликни бошқа мамлакатларда кам қўрасиз.

Анубас КАЧУ, тadbиркор (Хиндистан):

— Мамлакатингизга илк саёхатим жуда мазмунли

ўтмоқда. Ўзбекистон ҳақида жуда кўп эшитган, ўқиган эдим. Юртингизни ўз кўзим билан кўриб, бу ердаги очикқўнғил ва меҳмондўст одамлар билан суҳбатлашиб, қалбимда халқингизга катта меҳр уйғонди.

Хар бир юртингиз дунёга кўз-қўз қилишга арзийдиган тарихий обидалари, маҳобатли ёдгорликлари, хайратомуз замонавий иншоотлари бўлади. Буюк Хитой девори, Эйфель минораси, Тож Маҳал каби иншоотлар шулар жумласидандир. Ўзбекистонда бутун дунёга машҳур бундай бетакор обидалар жуда кўп. Буюк аждодларингизнинг бой моддий ва маънавий мероси, халқингиз бунёдкорлик салоҳиятининг ўзига хос ифодаси бўлган минглаб осори-атикаларингиз, бугунги замонавий биноларингиз ўз салобати, гўзал ва фуқаролиги, жозибаси, меъморий ечими билан дунё аҳлини хайратга солмоқда.

Тошкент кўчаларидаги бир-биридан чиройли ва замонавий машиналарга кўзим тушиб, мамлакатингизда автомобилсозлик соҳаси юксак даражада тараққий этаётганига ғувоҳ бўлдим. Шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги ишлар ҳам таҳсинга лойиқ. Айниқса, меҳмонхоналар менга жуда манзур бўлди. Мамлакатингизда ҳукм сураётган тинчлик, барқарорлик, бунёдкорлик Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг энг катта ютуғидир.

Нодира МАНЗУРОВА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қўллаб-қувватлашни натижасида шу йилнинг биринчи ярим йиллигида микрофирмалар ва кичик корхоналар ишлаб чиқариши ҳажмлари ҳам кўпайди, бу эса ягона солиқ тўлови тушуми ўтган йил тегишли даврига нисбатан 24,9 фоиз ўсишига олиб келди.

ЎзЛиДеП фракциясининг аъзолари мажлис чоғида таъкидлашдики, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерликни янада ривожлантириш учун имкон қадар қулай шарт-шароитлар яратиш беришга доир тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ички бозорни сифатли маҳсулот билан тўлдириш ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омил бўлгани ҳолда солиқ солиш базасини кенгайтиришга ҳамда Давлат бюджети даромад қисмининг жиддий равишда ўсишига, унинг амалда тўлдирилишига олиб келади.

Ўз навбатида, ЎзХДП фракцияси депутатлари Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганлигини, жумладан, аҳолини

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИКДАГИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва унинг фаровонлигини оширишга, ижтимоий кўмакка муҳтож қариялар ва ногиронларнинг ижтимоий таъминоти билан боғлиқ харажатларга талай маблағлар ажратилганлигини алоҳида қайд этиб ўтдилар.

Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш юзасидан қўрилган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 554 мингтадан ортиқ иш ўринларини ташкил этиш имконини берди, бу иш ўринларининг 60,3 фоизи қишлоқ жойларга тўғри келади. Шунингдек, аҳоли даромадларига солинадиган солиқ юқини камайтиришга доир чора-тадбирларнинг давоми сифатида 2013 йилда жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқнинг энг паст ставкаси камайтирилди, лекин ушбу тадбир бюджет даромадларининг камайишига таъсир қўрсатмади, аксинча, янги иш ўринлари ташкил этилиши ҳисобига тушум ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 18,1 фоиз кўпайди.

ЎзХДП фракциясининг вакиллари аҳолининг ахтиёрқамдан қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишга ажратилган маблағлардан маъзилли ва мақсадли фойдаланилиши устидан доимий мониторинг ўрнатиш муҳимлигини таъкидлашди. Шу муносабат билан депутатлар ушбу тоифадаги шахсларни манзилли қўллаб-қувватлаш тизимини янада тақомиллаштириш муҳимлигини қайд этдилар.

Ўзбекистон «Миллий тижланиш» ДП фракциясининг депутатлари давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, мамлакатимизнинг миллий товар ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўрилган чора-тадбирлар иқтисодий ўсишининг юқори суръатларини таъминлашга кўмаклашганига эътибор қаратдилар. 2013 йилнинг биринчи ярим йиллигида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўрсаткичи 2,5 миллиард долларни ташкил этгани ана шундан дарак беради. Бу эса аҳоли турмуш даражасини оширишнинг асосий омилли сифатида тегишли равишда валюта заҳираларининг ўсишига, иқтисодий суверенитетнинг мустаҳкамланишига ва иқтисодий хавфсизликнинг таъминланишига олиб келди.

Икки талабни муносиб равишда рағбатлантириш ҳамда мамлакатнинг маҳсулот ишлаб чиқарувчиларини ривожлантириш ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича қўрилган

чора-тадбирлар истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳажмлари 14,4 фоиз, чакана товар айланмаси 14,6 фоиз ва хизматлар кўрсатиш 16,1 фоиз ўсишини таъминлади.

Бунда фракция аъзолари, партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини ҳисобга олган ҳолда, миллий товар ишлаб чиқарувчиларга қўшимча рағбатлар тақдим этиш, истеъмол товарлари ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги миллий брендларнинг пайдо бўлишига кўмаклашиш, уларни мунтазам равишда жаҳон бозорларига олиб чиқиш, контрабанда товарларига қарши курашишнинг самарадорлигини ошириш асосида маҳаллийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар.

Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзолари Давлат бюджетининг ижросини таҳлил этишда ўз сайловолди дастурлари устуворликларига алоҳида эътибор бердилар. Хусусан, 2013 йилнинг биринчи ярим йиллигида ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини узлуксиз юксалтириш масалаларига устувор аҳамият берилганлиги қайд этилди.

Жумладан, Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганлиги ҳамда таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари, фан ва бошқа соҳаларни таъминлаш ҳамда ривожлантиришга катта маблағлар ажратилганлигини таъкидлашди.

Шу билан бирга, соғлиқни сақлашни ривожлантириш масалаларига ижтимоий соҳага сарфланган барча харажатларнинг 23,6 фоизи йўналтирилганлиги ҳамда ушбу маблағлардан дори-дармонлар, тиббий ашёлар, вакциналар, бактериологик препаратлар кабиларни харид қилиш учун фойдаланилганлиги қайд этилгани ҳолда, мазкур соҳада молия интизомига риоя этилишини янада қучайтириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳининг аъзолари ўз устуворликларидан келиб чиққан ҳолда агро-мухитни муҳофаза қилишга ажратилган маблағларнинг сарфланишини таҳлил қилишга тўхталиб ўтдилар. Агро-мухитни муҳофаза қилишни молиялаштириш ҳажмлари ошганлиги, жумладан ўсиш ўтган йилнинг биринчи ярим йиллигидаги нисбатан 10,2 фоизни ташкил этилганлиги таъкидланди. Ажратилган маблағлар биологик хилма-хилликни муҳофаза қилишга, ҳайвонлар ва ўсимликларни муҳофаза қилишга, юқумли касалликларнинг олдини олишга, чиқиндиларни тўплаш ва олиб кетишни ташкил этишга, оқва сувларни тозалашга қаратилди. Шу билан бирга, Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар табиати муҳофаза қилиш тадбирларига ҳамда чиқиндиларни утилизациа қилишга ажратилган бюджет маблағларини ўзлаштириш самарадорлигини янада ошириш муҳимлигини қайд этдилар.

Шунингдек, депутатлар бюджет интизомига риоя этилиши устидан назоратни қучайтириш зарурлиги тўғрисида фикр билдирдилар, бюджет даромад қисмининг сифатли икроси этилишига салбий таъсир қўрсатувчи омилларга алоҳида эътибор қаратиш тақлиф этилди.

Муҳомаа чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2013 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг Аxbорот хизмати**

танлови ғолибларини тақдирлаш, «ICT Expo» аxbорот технологиялари халқаро кўргазмаси, Ўзбекистонда интернет-провайдинг ва миллий контентни ривожлантириш масалаларига оид давра суҳбати, «Аxbорот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жараёнларини қонуний тартибга солиш масалалари» мавзусида халқаро семинар ўтказиш кўзда тутилган. Шунингдек, ёшлар ўртасида дастурий таъминот ишлаб чиқиш бўйича «Best Soft Challenge» танлови ғолибларини ҳамда е-спорт бўйича «Uzbekistan Cyber Games – 2013» Ўзбекистон чемпионатининг финал босқичи ва унинг ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтади.

Барча жабҳаларга аxbорот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш мазкур масалада давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. АКТ ҳафталиги доирасида мамлакатимизда «Электрон ҳукумат» ни шакллантириш ва ривожлантириш жараёни, Ягона интерфаол давлат хизматлари порталини тақомиллаштириш истиқболларига алоҳида эътибор қаратилади.

(ЎзА)

2013 йил — Обод турмуш йили

МАҲАЛЛАГА ЁШЛАР КЎМАГИ

Мирзо Улуғбек номидаги

Ўзбекистон Миллий университетиди

ёшларнинг ижтимоий фаоллигини

ошириш, онгу шуурига миллий

анъана ва қадриятларимизни

сингдириш масалаларига

бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирга олий таълим даргоҳларининг профессор-ўқитувчилари, хотин-қизлар қўмиталари, маҳалла фуқаролар йиғинларининг фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар тақлиф этилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида мамлакатимизда таълим тизимининг барча бўғинларини ислоҳ этиш жараёнида олий таълимни сифат ва мазмун жиҳатдан тобора юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 20 майда қабул қилинган «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тобора яхшилаш тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятида таълим масканларидаги давоматни янада яхшилаш, ёшларнинг билим олишга қизиқиши ва иштирокини қучайтиришга кўмаклашиш муҳим ўрин тутди. «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида мазкур жамоат ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда «Маҳалламга қандай кўмак бердим?», «Ёшлар — иллатларга қарши» каби ижтимоий лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширди. Лойиҳалар доирасида ёш педагог кадрлар, иқтидорли талабаларнинг салоҳиятидан умимли фойдаланган ҳолда маҳаллалар, ёшга дам олиш оромгоҳлари, махсус мактаб-интернатларда болаларнинг бўш вақтини тўғри ва самарали ташкил этиш, уларни «оммавий маданият»нинг зарарли таъсиридан ишончли ҳимоялаш, ободлаштиришга оид қўллаб-қувватлаш ишлар бажарилди.

— Поиттахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида элликдан зиёд маҳалла бор, — дейди ЎзА мухбирига Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти бошланғич хотин-қизлар ташкилоти раиси Матлуба Исоқова. — Ёшга таълим давомида иқтидорли талаба-ёшлар маҳаллаларда ёшлар билан мунтазам иш олиб бори. Тикиш, тўқиш, спорт, актрёлик ва нотиклик маҳоратига оид тўғралаклар ташкил этиб, юртимизда ёшлар қамолоти йўлида кўрсатилган эътибор ва ғамхўрликнинг моҳиятини кенг тушунтиришга оид суҳбатлар, учрашувлар ўтказилди.

Тадбирда Тошкент шаҳридаги олий таълим даргоҳлари ёшларнинг «Маҳалламга қандай кўмак бердим?» лойиҳаси доирасидаги ишларининг тақдироти ўтказилди. Акцияда фаол қатнашган талабаларга эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сузга чиқди.

Назokat УСМОЛОВА



КАТТА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛГАН

**Шаҳримиздаги савдо мажмуалари
сони яна биттага кўпайди — Чилонзор
туманида «INTEGRO» номли янги
савдо-кўнгилочар мажмуаси қад
роstdлади.**

Мажмуадан болалар ва катталар кийимлари, пойабзал, спорт анжонлари сотиладиган қўллаб-қувватлаш, ресторан, кафе, Европа мамлакатларида ишлаб чиқарилган болалар кўнгилочар аттракционлари ўрин олган.

«INTEGRO» савдо мажмуасининг очилиш маросимида эстрада хонандалари, «Гулдаста», «Серпантин» болалар ракс дасталари иштирок этиб, ўзларининг қизиқарли дастурларини намойиш қилишди.

СУРАТДА: янги савдо мажмуасининг кўриниши
Алексей Попов олган сурат

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ БИЛИМЛИ ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ ТАЯНЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Мазкур тадбирда катнашаётганимдан жуда хурсандман, — дейди тиббиёт коллежи талабаси Кенжаполлов Абдуназаров. — Таъкидлаш жоизки бундай мусобақалар биз ёшларга келажакда ўз ўрнимизни эгаллашимиз учун катта имкониятлар, кўникмалар беради. Ватанимизни, пойтахтимизни, умуман, ўқув юртимизни қандай ҳимоя қилишимиз, қандай ишларни амалга оширишимиз кераклиги ҳақида маълумотларга эга бўламиз.

Мусобақанинг финал босқичи ғолиблари Шайхонтоҳур туман хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият тарғибот маркази туман ҳамда «Қамолот» ЕИХ туман Кенгаши бўлимларининг I, II ва III даражали дипломлари ва эсдалик совғалари билан, танлов давомида аниқланган турли йўналишлардаги энг фаол гуруҳ аъзолари ва ташкилотчилари рағбатлантирувчи диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова иштирок этди.

Зиёда РАСУЛОВА
Қозим Улмасов олган сурат

Тошкентда анъанавий «InfoCOM — 2013» аxbорот-коммуникация технологиялари ҳафталиги бошланди.

Аxbорот-коммуникация технологиялари ҳафталиги дастурий соҳани тақомиллаштиришга қаратилган қатор тадбирларни қамраб олган. АКТ мутахассислари ва фойдаланувчилар ҳафталик доирасида ушбу соҳанинг сўнгги ютуқ ва янгиликлари билан танишиши мумкин.

Мазкур АКТ ҳафталиги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аxbорот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Вазирлар Маҳкамасининг Компьютерлаштириш ва аxbорот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаши, Алоқа, аxbоротлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Ўзбекистон аxbорот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмаси ҳамда «CIB GROUP» компанияси томонидан ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аxbорот ва коммуникация техноло-

АКТ ҲАФТАЛИГИ: ИСЛОҲОТЛАРНИНГ НАТИЖАСИ

гиялари масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари, Ўзбекистон аxbорот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмаси ижрочи директори И.Абдуллаев, Алоқа, аxbоротлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раисининг ўринбосари Ш.Шерматов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида мамлакатимиз аxbорот соҳасида амалга оширилган тўб ислохотлар барча соҳаларга аxbорот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва янада ривожлантириш имконини бераётганини таъкидлади. Давлати-

миз раҳбарининг 2013 йил 27 июндаги тегишли қарори билан тасдиқланган 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация технологиялари, алоқа тармоқлари ва инфратузилмасини ривожлантириш аxbоротининг қабул қилиниши Ўзбекистон аxbорот ресурслари, тизими ва тармоқларини жадал ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Президентимизнинг шу йил 20 сентябрда имзоланган «Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воститалари ишлаб чиқарувчиларини рағбатлантириш янада қучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

Қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда.

2004 йилдан буён сентябрь ойи охирида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «InfoCOM» АКТ ҳафталиги соҳада муваффақиятли амалга оширилган ислохотлар самараси бўлиб, мутахассислар ва аxbорот технологиялари фойдаланувчиларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ҳафталик доирасида Аxbорот-коммуникация технологиялари бўйича миллий саммитни ўтказиш, ЎЗ-2013 миллий домени интернет-фестивали якунларини сарҳисоб қилиш, ёшлар катта «MIT.uz» миллий интернет-

UZ МИЛЛИЙ ДОМЕНИ ИНТЕРНЕТ-ФЕСТИВАЛИ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

**«InfoCOM-2013» аxbорот-коммуникация технологиялари
ҳафталигининг биринчи кунда UZ миллий домени
интернет-фестивали якунлари сарҳисоб қилинди.**

Иккинчи даражали UZ миллий домени 1995 йилнинг 29 апрелида ташкил этилган. 2013 йилнинг 12 августи ҳолатига кўра, UZ ҳудудининг ўзидаяқ иккинчи даражали фаол доменилар сони 16733 дан зиёди ташкил этади. Бундан ташқари, UZ доменига кирувчи бир

финалда иштирок этадиган 92 сайт танлаб олинди ҳамда уларга «Фестиваль соврндор» дипломи топширилди. Фестивалнинг мавзули ва махсус номинацияларида ғолиб бўлган сайтларнинг 65 фоизга яқини ўзбек тилидаги шаклига эга.

Ўзбекистон Миллий аxbорот агентлиги — ЎзА сайти (www.uz24.uz) «Энг яхши ОАВ сайти» номинациясида иккинчи ўринни эгаллади.

Мазкур номинацияда биринчи ўринни «Mezon.uz» аxbорот-таҳлил янгиликлар сайти (www.mezion.uz), учинчи ўринни Kun.uz янгиликлар сайти (www.kun.uz) эгаллади.

Шунингдек, «Фан ва таълим соҳасидаги энг яхши сайт», «Давлат бошқаруви ва давлат ҳокимияти органининг энг яхши сайти», «Мавзуга оид энг яхши сайт», «Маданият соҳасидаги энг яхши сайт», «Тармоқ сервислари соҳасидаги энг яхши сайт», «Электрон тижорат», «Энг яхши корпоратив сайт», «Спорт соҳасидаги энг яхши сайт» номинациялари ғолиблари аниқланди.

— Бугунги кунда Ўзбекистонда аxbорот-коммуникация технологиялари деярли барча соҳаларга, хусусан, журналистика ҳам жорий этилган, — дейди ЎзА мухбирига uz24.uz янгиликлар сайти бош муҳаррири А.Исмомов. — Интернет-журналистика соҳасида янги-янги лойиҳалар ташкил этилиб, рақобат қучаймоқда. Шу сабабли, сайтимизнинг «Йил қаффи» номинациясида ғолиб чиққани бизга катта гуруҳ бағишлайди. Бу сайтни очилдан аввал биз фойдаланувчилар эътиҳонини пухта ўрганимиз ҳамда Обод турмуш йилида янгиликлар орқали Ўзбекистоннинг ижтимоий ҳаётини ёритиш, фуқаролар ҳуқуқий саводхонлигини оширишга асосий эътибор қаратдик.

Интернет-фестиваль ғолибларига мукофот ва дипломлар топширилди.

Бобур ОБИДОВ



Аъло Абдуллаев (ЎзА) олган сурат

Интернет-фестиваль «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «UZINFOCOM» компьютер ва аxbорот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Алоқа, аxbоротлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси кўмагида ташкил этилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида аxbорот соҳасида амалга оширилган тўб ислохотлар барча соҳа ва тармоқларда АКТни янада ривожлантириш ва кенг жорий этишга хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 27 июндаги тегишли қарори билан тасдиқланган 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация технологиялари, алоқа тармоқлари ва инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг қабул қилиниши Ўзбекистон аxbорот ресурслари тизими ва тармоқларини жадал ривожлантиришда янги босқични бошлаб берди.

Мамлакатимизда интернет-фестиваль 2001 йилдан буён ўтказиб келинмоқда. 2007 йилдан бошлаб интернет тарғиботининг Ўзбекистонга тегишли сегменти ресурсларини ривожлантириш мақсадида UZ миллий домени интернет-фестивали ўтказилмоқда.



Хайрли ташаббус

ЎЗ БИЛИМЛАРИНИ БОЙИТИШДИ

Мустақиллик йилларида шахримиз янада обод ва кўркам бўлиб, чиройига чирой қўшилди, файзу таровати ошди. Кенг ва ёруғ кўчалар, кўприклар, замонавий ўқув масканлари, шифохоналар, поликлиникалар, маҳалла гузарлари бунёд этилди. Муқаддас обидаларимиз, зиёратгоҳлар қайта таъмирланиб, кўркам қиёфага кирди.

Энг улуғ ва энг азиз байрам — Истиқлолнинг 22 йиллиги муносабати билан Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ташаббуси билан Республика Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳри бўлими ва Ўзбекистон тарихи давлат музейи билан ҳамкорликда туман тиббиёт бирлашмалари ва даволаш-профилактика муассасалари шифокорларининг шахримиз тарихий обидалари ва

зиёратгоҳларига ташифи уюштирилди. «Тошкент тарихини ўрганиш» мавзусидаги сайёр тадбир иштирокчилари «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси, «Ўзбекистон» анжуманлар саройи, Эзгулик аркаси, Хотира майдони, Ҳазрати имом мажмуаси, «Абулқосим» мадрасаси, «Алоқа» музейи ва бошқа замонавий иншоотлар ва тарихий жойлар билан танишиб, бу борадаги ўз билимларини бойитишди.

— Бундай тадбирларни ташкил этишдан мақсад, — дейди Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Мамажонов, — тиббиёт ходимларининг маданий дам олишини ташкил этиш бораборида шахримиз тарихини ўрганишларига кўмаклашиш. Президентимиз раҳнамолигида пойтахтимизни янада обод ва гўзал қилиш борасида бугунги кунда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари билан таништириш, бу борада учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказишдан иборатдир. Бундай маънавий-тарғибот тадбирларини давом эттириш ниятидамыз. Зеро, халқимиз маънавиятини юксалтириш, бебаҳо ва олий неъмат — мустақиллигимизни авайлаб-асраш, эъозлаш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

(Ўз мухбиримиз)
СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ Юртбошимиз ташаббуслари билан ҳаётга татбиқ этилган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Қаррлар тайёрлаш миллий дастури билан мамлакат келажагининг ҳал қилувчи кучи ҳисобланган ёшларга бўлган эътиборнинг ёрқин кўриниши дейиш мумкин. Натижада қисқа фурсатда жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида замонавий билимларга эга, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш вазифаси барча соҳалар учун энг муҳим саналгани бежиз эмас.

қилувчи ва суд органларида, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг юридик бўлиmlаларида амалий иш тажрибасига эга бўлган юқори малакали илмий, педагогик кадрлар билан таъминлаш, уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш; шартнома асосида хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим, тадқиқот муассасаларининг юқори

педагогик кадрлар билан таъминлаш назарда тутилган. Ҳозирда бир неча йил амалий тажрибага эга амалиёт ходимлари педагог сифатида фаолият юритмоқдалар.

Энг муҳими, эндиликда ўқув муассасасига Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамда бошқа вазирликлар ва идораларнинг статистик ахбороти юборилиши белгилан қўйилди. Бу айниқса магистрлар, илмий иш билан шуғулланаётган катта илмий ходим изланувчиларга бир қатор қулайликлар туғдиради. Жумладан, илмий иш олиб боришда табиийки, амалиётдаги ҳолатни билишда, муаммоли жиҳатларини топишда албатта статистик маълумотлар зарур бўлади. Статистик маълумотлар асосида муайян соҳа тадқиқ қилинади, муаммолар ўрганилади.

Бундай хайрли ишлар энг аввало мамлакатимизда юқори малакали юридик кадрлар тайёрлаш соҳасида муҳим қадам бўлди. Юридик таълим соҳасида барча жараёнларни қамраб олишга қаратилган ушбу Қарор келгусида интеллектуал салоҳиятли малакали ҳуқуқшунослар тайёрлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самараси бўлиб, соҳада янги даврни бошлаб берди десак муболага бўлмайди.

Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг баркамол инсон бўлиб етишишлари учун барча шароитларни яратиш бугунги кундаги асосий масалалардан биридир, бунинг ёрқин исботи давлатимиз раҳбарининг «Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қароридир.

Гулчеҳра Тўлаганова,
Тошкент Давлат юридик университети «Жинойт процессуал ҳуқуқ» кафедраси доценти
Садоқат САМИЕВА,
Тошкент Давлат юридик университети 2-босқич магистранти

Қарор ва ижро

ИСЛОҲОТЛАР САМАРА БЕРАДИ

малакали мутахассисларини жалб этган ҳолда ўқув, илмий-методик ишлар ташкил этилмоқда.

Ҳозирда ТДЮда замонавий ўқув ва моддий-техник базани яратиш, ўқув, илмий-методик бўлиmlаларни, кафедраларни ўқитишнинг замонавий техник воситалари, ахборот-коммуникация тизимлари ва дастурий мажмуалари билан таъминлаш бўйича тақдирлар ишлаб чиқилмоқда.

Ўқитувчиларни Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим муассасалари, тадқиқот марказлари, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, давлат органларида ҳар йиллик асосда стажировка ўташ дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўлга қўйилди ва бир қанча ёш мутахассислар хориж давлатларига бориб малакаларини ошириб келдилар.

Шулар билан бир қаторда университетни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларида, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг юридик бўлиmlаларида амалий иш тажрибасига эга бўлган юқори малакали илмий,

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«SPARETRA» МЧЖда 2013 йил 20 августдан 2013 йил 20 сентябргача ўтказилган кимошди савдо натижалари тўғрисида маълумот

Савдо санаси	Ким томонидан савдога қўйилган	Автотранспорт номи, ишлаб чиқарилган йили ва давлат рақами	Бошланғич баҳоси (сўм)	Сотилиш баҳоси (сўм)
27.08.2013	Яқасарой тумани СИБ	2010 й. и.ч. "Ласетти" д.р. 01 770 DAA	26 140 000	42 000 000
29.08.2013	Бектемир тумани СИБ	1986 й. и.ч. "Ваз-21013" д.р. 01 W 609 GA	3 710 881.72	3 990 000
		1985 й. и.ч. "Ваз-21063" д.р. 01 R 728 BA	4 045 128.76	4 320 000
		1980 й. и.ч. "Ваз-2106" д.р. 01 Q 690 NA	4 993 100	5 375 000
	Бектемир тумани СИБ	"Газ-31029" д.р. 11 E 7153	2 855 493	3 095 000
		2006 й. и.ч. "Газ-31105" д.р. 10 Q 367 CA	4 001 069	4 320 000
02.09.2013	Чилонзор тумани СИБ	2007 й. и.ч. "Нексия" д.р. 30 Y 5007	23 533 157.94	24 900 000
03.09.2013	Ўртачирчиқ тумани СИБ	1988 й. и.ч. "Ваз-2106" д.р. 01 T 125 JA	2 313 191	2 560 000
09.09.2013	Бўқа тумани СИБ	2009 й. и.ч. "Нексия" д.р. 10 855 QAA	22 240 980	23 060 000
16.09.2013	Миробод тумани СИБ	2010 й. и.ч. "Нексия Донс" д.р. 01 L 724 KA	25 119 763	26 350 000
	Паркент тумани СИБ	1983 й. и.ч. "Ваз-21061" д.р. 01 W 937 FA	2 244 012.16	2 400 000
	Бектемир тумани СИБ	1983 й. и.ч. "Ваз-21063" д.р. 10 N 623 BA	6 427 000	6 950 000
	Қўйраб тумани СИБ	1982 й. и.ч. "Газ" д.р. 11 F 2438	1 273 498.2	1 390 000
	Бектемир тумани СИБ	1989 й. и.ч. "Газ-21" д.р. K3894TШ	331 946	362 000
19.09.2013	Чирчиқ тумани СИБ	"Шермет Корсика" д.р. 01 U 049 DA	2 880 410.4	3 080 000
	Зангиота тумани СИБ	1999 й. и.ч. "Тирекама" д.р. 4802 AY	27 844 759	29 700 000

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (+99871) 212-89-55.

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖда 2012 йил 20 августдан 2013 йил 20 сентябргача ўтказилган кимошди савдо натижалари тўғрисида маълумот

Савдо санаси	Ким томонидан савдога қўйилган	Қўчмас мулк номи ва манзили	Бошланғич баҳоси (сўм)	Сотилиш баҳоси (сўм)
27.08.2013	Қўйраб тумани СИБ	Қўйраб тумани СИБ томонидан 27.11.2011 й. и.ч.ро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Қўйраб тумани, Зебуносо кўчаси, 20-уй, 9-хонадон	35 635 063	37 900 000
29.08.2013	Зангиота тумани СИБ	Зангиота тумани СИБ томонидан № 11379/24 - сонли иккун ҳужжатига асосан Зангиота тумани, "Бест плюс сервис" х.к. ҳудудига жойлашган 2-блок, 2-сонли савдо дўкони	67 847 400	72 050 000
09.09.2013	Бўқа тумани СИБ	Бўқа тумани СИБ томонидан 20.01.2012 й. № 2-165/03-12 - сонли иккун ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Бўқа тумани, Ўзбекистон қўчасида жойлашган чойхона биноси	43 787 875	46 500 000
	Зангиота тумани СИБ	Зангиота тумани СИБ томонидан № 11381/24 - сонли иккун ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест Плюс Сервис" х.к. ҳудудига жойлашган 98-сонли савдо дўкони	59 541 350	63 150 000
	Зангиота тумани СИБ	Зангиота тумани СИБ томонидан № 11381/24 - сонли иккун ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест Плюс Сервис" х.к. ҳудудига жойлашган 11-сонли савдо дўкони	11 715 818	12 500 000
	Зангиота тумани СИБ	Зангиота тумани СИБ томонидан № 11381/24 - сонли иккун ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест Плюс Сервис" х.к. ҳудудига жойлашган 12-сонли савдо дўкони	11 422 923	12 100 000
16.09.2013	Чилонзор тумани СИБ	Чилонзор тумани СИБ томонидан 16.04.2013 й. № 1-493/13-сонли иккун ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Эркинлик кўчаси, 28-уй	72 187 500	76 100 000

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (+99871) 212-89-55.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ — КЕЛАЖАК ПОСБОНЛАРИ!

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон тарихи давлат музейида «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида маданий-матрифий тадбир ўтказилди.

Юнусобод тумани ҳокимлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази Юнусобод тумани бўлими, Тошкент шаҳар Адлия бош бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ҳарбий қисмлар курсантлари, ҳарбий аскарлар, таълим муассасалари ўқувчилари ва ОАВ ходимлари иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида таъкидланганидек, мустақиллик деганда, унинг маъно-мазмунини биз аввало ҳуқуқ деб қабул қиламиз. Мустақилликка эришиш — бу ўз тақдиримизни қўлимизга олиб, юртимизнинг ер ости ва ер усти бойликларига эга бўлиш, биз қандай улуг тарих, маданият ва маънавиятга эга эканлигимизни, ўзлигимизни чуқур англаб, бекиёс салоҳиятимизни ишга солиш, қадриятларимизни, дину диёнатимизни тиклаш каби буюк ва муқаддас бурчимизни амалга оширишдир.

Тадбирда сўзга чиққанлар «Мустақиллик — бу ҳуқуқ», «Ўзбекистон Республикаси конституцион тизими ва ютуқлари», «Тарихсиз келажақ йўқ», «Ватан — саждагоҳ каби муқаддас», «Она юрт ҳимояси — муқаддас бурч» каби мавзуларда маърузалар қилишди, шунингдек, ўз ҳаётий тажрибалари тўғрисида ёшлар билан ўртоқлашдилар.

— Ватанни ҳимоя қилиш — умумдавлат, умумхалқ иши, — деди Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори, тарих фанлари доктори Жаннат Исмоилова. — Бу — Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муқаддас бурчи ва вазифасидир. Шу боис ҳар биримиз Ватанимиз мустақиллигини ҳимоя қилиш, унинг Қуролли Кучлар салоҳиятини ошириш бўйича амалга ошираётган иқтисодий, маънавий-сиёсий, илмий-техник ишларида фаол қатнашшимиз лозим. Ватанни ҳимоя қилишдек конституциявий бурчининг асосий юки аввало Қуролли Кучлар сафида хизмат қилаётган мард ўғлонлар зиммасига тушади. Мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида ўтказилаётган ислохотлар жараёнида ҳарбий хизматнинг аҳамияти ва нуфузи тобора юксалиб бормоқда. Тарих сабоқлари ёшларни ОНА Ватанини янада севишга, унга тарихда ўчмас из қолдирган ота-боболаримиз сингари содиқ ва фидойи фарзанд бўлишга ундайди. Шу боис ҳам музейимиз жамоаси Ўзбекистон тарихини ўрганиш мақсадида бу ерга таширф буюрган ўқувчи-ёшларга хизмат кўрсатишга доимо тайёр.

— Мен Қуролли Кучлар сафида 27 йил хизмат қилиб нафақага чиқдим, — дейди истеъфодаги тиббий хизмат подполковниги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Искандар Раҳмон. — Ҳозирги вақтда Республика «Нуроний» жамғармасининг Ёшлар билан ишлаш гуруҳи раҳбари бўлиб хизмат қилмоқдаман. Бу ерга тўпланган 250 дан ортиқ ёш ўғил-қизларга маслаҳатим шуки, биз ёшликдан ҳам жисмонан, ҳам маънан ўзимизни Ватан ҳимоясига тайёрлашимиз керак. Бу бизнинг нафақат конституциявий, балки инсонийлик бурчимиздир. Биласизми, ҳақиқий ватанпарвар шахс ОНА юртини севиши, уни ҳимоя қилиши, унинг равнақи учун бор куч-маҳоратини бағишлаши керак.

Ўзбекистон тарихи давлат музейида ташкил этилган тадбир Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида кенг жамоатчилик олдида қўйилган муҳим вазифалардан бири — Ўзбекистон Қуролли Кучларининг мамлакатимиз мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, тинч ва осуда ҳаётимизни ҳимоя қилишнинг мустақим таянчи бўлиб келаётганлигини, ҳарбий хизматнинг ёшларимиз учун ҳақиқий мардлик, чиниқлиш ва тоблиниш мактабига айланиши, халқ ва армия — бир тану бир жон эканини ҳаётий мисолларда тарғиб этишга қаратилди.

Тадбирда кўпни кўрган, эл-юрт хизматига қамарбаста бўлиб, халқ тинчлигини ўз бахти, юрт осойишталигини ўз саодати деб билган ҳурматли инсонларнинг чиқишлари ёшлар томонидан мамнуният билан қутиб олинди.

Манзура БЕКЧОНОВА,
«Туркистон-пресс»

Тошкент вилояти, Қўйраб тумани Оқ қовоқ қўй. Олимлар даҳаси 15-уй манзили бўйича рўйхатдан ўтган «ОQ-QOVOQ DАRНАН» номли сув истеъмолчилари уюшмасининг (ИНН 206851790) думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги яқка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан 2012 йил 4 январда 03.03.984 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган Ёқубова Хуршида Юсуфовна номига берилган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Қурилиш ва миллий унавармандчилик касб-хунар коллежи томонидан Азимов Жамолiddин Фахриддин ўғлига 2013 йил 5 июлда берилган К№315 3409 сонли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Кизларимиз қўл меҳнатлари билан миллий анъаналаримизни, ризқ-рўзимиз неъматларини намойиш қилмоқдалар.



Спорт янгиликлари

КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ

Мамлакат XXII миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида ўтказилган 19-тур беллашувлари совринли ўринларга даввогарлик қилаётган командалар кураши чемпионат охирига қадар давом этишини исботлади.

Айтиш жоизки, ушбу турнинг марказий баҳси Қарши шаҳрида ўтказилди. Унда «Насаф» ва амалдаги чемпион «Пахтакор» жамоалари мурасасиз кураш олиб борди. Дарҳақиқат, баҳс қизиқарли ва шиддатли кечди. Дастлаб мезбонлар устуликка интилиб, меҳмонлар дарвозаси томон кўп марта ҳужумлар уюштиришди. Бу самара берди. 16-дақиқада жамоадошлари бошлаган ҳужумни Мақсуд Каримов самарали яқунлаб, «Насаф»ни ҳисобда олдинга олиб чиқди — 1:0.

Кейин ўйин тенглашди. Энди пахтакорчилар ҳам ҳужумкор ўйин намойиш эта бошлашди. Иккинчи бўлимнинг 72-дақиқасида Дилшод Шарофутдинов мезбонлар дарвозасини аниқ нишонга олиб, орадаги мувозанатни тиклади — 1:1. Ана шу ҳисоб ўйин охиригача ўзгармади.

Жорий йилда ҳам чемпионликка астойдил интилаётган

«Бунёдкор»га Тошкентда «Навбахор»ни йирик 5:0 ҳисобида мағлуб этиш қийинчилик туғдирмади. «Бунёдкор»нинг тўлиқ устулигида кечган ўйинда дарвозага голларни Рашидов, Бердиев, Гофуров ва Таран (2 та) йўллашди. Шунингдек, қарвонбоши «Бунёдкор»ни изма-из таъкиб қилаётган «Локомотив» Жиззаҳда «Сўғдиёна» меҳмони бўлди ва учрашувни 4:1 ҳисобида ўз фойдасига ҳал эта олди. «Локомотив»дан Холматов учта голга муаллифлик қилиб «Хет-трик»ка эришган бўлса, Карпенко ҳам мезбонлар дарвозасига гол киритиб ўз жамоасининг йирик ҳисобда ғалаба қозонишига ҳисса қўшди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар кайд этилди: «Бухоро» — «Динамо» — 0:2; «Олмалик» — «Шўртан» — 0:0; «Гулистон» — «Нефтичи» — 0:3; «Кизилқум» — «Металлург» — 1:0.

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида бухоролик рассомлар Музаффар Абдуллаев, Эркин Жўраев, Зелимхон Саиджонов, Фарҳод Раззоқовларнинг тасвирий санъат асарларидан таркиб топган кўргазма намойиш этилмоқда.

БУХОРО РАССОМЛАРИНИНГ КЎРГАЗМАСИ

Мустақил она диёримиз тасвирий санъати нафақат турли тенденциялар, услубий йўналишлар, кўплаб ранг-тасвир усталари — рассомларнинг ижодий изланишларидан ташкил топган ўзига хос мозаикани, балки ноёб бадиий маданиятга эга мамлакатимизнинг турли регионлари, маҳаллий марказларини ҳам ўзида мужассам этади. Ва бу ҳолат нафақат анъанавий, балки замонавий тасвирий санъат билан ҳам узвий боғлиқдир.

Ана шундай маданий ўчоқлардан бири бутун дунёда ўзининг нодир тарихий меъморий ёдгорликлари, миниатюра мактаби, ноёб анъанавий ҳунармандчилиги ҳамда юксак асарлари билан шухрат қозонган марказ — «Шарқ дурдонаси» саналимиш ҳаммаша боқий ва кўна, навқирон Бухоридир. Таъкидлаш жоизки, ушбу кўргазмадан ҳудудда яшаб иқдор қилаётган маҳоратли рассомларнинг йигирмадан ортқ асарлари ўрин олган. Улардан бири 1953 йилда таваллуд топган М. Абдуллаевдир. У 1975 йилда Бухоро педагогика институтининг бадиий-графика факультетини тамомлаган. Рассом асарлари рангтаъсир экспрессиясига фойтда боилиги ҳамда бўёқларнинг функционал ифодаси ва ритмик ҳаракати билан намоён бўлувчи чукр фалсафий мазмун-моҳиятга эгалиги билан ажралиб туради. Унинг ижодида Бухоро тасвирий санъатининг «underground»и ўзига хос жозибадор кўринишда акс этади. «Бухоро» «underground»и анъаналарини қизиқарли йўсинда давом эттираётган рассомлардан бири Фарҳод Раззоқовдир.

Маъмур анъанани давом эттираётган ёрқин намоёндалардан яна бири Зелимхон Саиджонов бўлиб, у 1948 йил Бухорода дунёга келган. Махсус бадиий таълимга эга бўлмаганига қарамай, у тасвирий санъатда ўзининг

такорланмас йўлини топа олган, ўз ижодий индивидуаллигига эга рассомлардан ҳисобланади. Рассомнинг ўзига хос йўналишини топишида унга бевосита Европа конструктивизми, шунингдек, Пикассо ижоди, немис экспрессионизми, Э. Нольде ижоди, қолаверса, ўзбек халқининг амалий безак санъати аиникса, катта таъсир қўрсатган. Бу жиҳатлар унинг кўргазмадаги асарларида ҳам яққол сезилади.

Катта таърибага эга рассом Эркин Жўраев 1960 йилда туғилган. 1978 - 1982 йилларда пойтахтимиздаги Республика рассомчилиги билим юртида тахсил олган. 1982-1988 йилларда эса Тошкент театр ва рассомчилик олийгоҳида таълимни давом эттирган. У кўргазмадаги мавжуд реалистик асослар ва декоратив услуб ўйғунлигида яратилган халқ, хусусан, бухороликлар маиший ҳаёти, миллий ва анъанавий байрамлар акс этган бир қатор жанрдаги асарлар муаллифи.

Бир қарашда эътиборни ўзига жалб қиладиган маъмур асарлар томошабинда айландиқдай илиқ ҳис-туйғулар уйғотиши табиий. М. Абдуллаевнинг «Болидик», «Бухоро оҳанги», Э. Жўраевнинг «Насридин», «Бухородан», «Чол ва кампир», «Мамнуният», Зелимхон Саиджоновнинг «Она ва болалар» сингари асарлари шулар жумласидандир.

Умуман олганда, Бухоро рассомлари кўргазмаси яна бир бор Ўзбекистоннинг бой ижодий салоҳияти, анъана ва замонавийлик уйғунлашган Бухоро бадиий марказининг ўзига хос санъатини намойиш этади. Маълумот ўрнида келтириш жоизки, маъмур кўргазма жорий йилнинг 5 октябрга қадар давом этади.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
ЎзДЖТУ Халқаро журналистика
факультети талабаси

ЖИДДИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ЗАРУР

Жорий йилнинг 15 октябрида футбол бўйича 2015 йилда Австралиядо уюштирилаётган Осиё чемпионати саралаш турнири гуруҳларида учинчи тур баҳслари бўлиб ўтади.

Табиийки, Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳам саралаш турнирининг «Е» гуруҳида шу кун Тошкентда Вьетнам терма жамоасини қабул қилади.

Таъкидлаш жоизки, «Е» гуруҳидаги рақиб терма жамоалар 15 октябрда кечадиган Осиё чемпионати саралаш турнири 3-тур баҳсларида жиддий тайёргарлик кўришмоқда. Шу кунгача вьетнамлик чарм тўп усталари Қатар термасига қарши ўртоқлик учрашувида майдонга тушишган бўлса, Гонконг Сингапур терма жамоасини ўртоқлик баҳсида 1:0 ҳисобида енгди. «Е» гуруҳида пешқадамлик қилаётган БАА терма жамоаси Саудия Арабистонида уюштирилган халқаро турнирда Тринадад ва Тобаго ҳамда Янги Зеландия терма жамоаларини мағлуб этиб голиб бўлди.

Эслатиб ўтамиз, «Е» гуруҳида ҳозиргача ўтказилган иккинчи тур беллашувларидан сўнг БАА олти очко билан биринчи ўринда бораётган бўлса, тўрт очко жамғарган Гонконг иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Ўзбекистон терма жамоаси эса бир очко билан учинчи ўринда бораётган бўлса, вьетнамликлар сўнгги поғона эгасига айланган.

Футбол бўйича 2014 йил Таиландда 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати финал мусобақаси бўлиб ўтади.

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ ЎТКАЗИЛАДИ

Ушбу нуфузли турнирга йўлланма берувчи саралаш баҳслари эса 25-29 сентябрь кунлари Тошкентдаги «Жар» стадионида уюштирилади. Турнирнинг «В» гуруҳида юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган Темури Олим-хўжаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасига Яман, Фаластин ҳамда Мальдив ороллари терма жамоалари рақиблик қилишлари назарда тутилган эди. Аммо, Мальдив ороллари футбол уюшмаси ушбу мусобақада ўсмирлар терма жамоасининг қатнаша олмамлигини маълум қилди. Шу боис ҳам Осиё футбол конфедерацияси томонидан мусобақа тақвими-

га ўзгариш киритилди. Унга кўра 25 сентябрда Яман — Фаластин ўзаро кўч синашса, 27 сентябрда Ўзбекистон — Фаластин ўйини бўлиб ўтади. Сўнгги беллашувни ўсмирлар терма жамоамиз 29 сентябрь кунги яманиликларга қарши ўтказди.

Ушбу нуфузли турнирга тайёргарлик қиладиган Қатар ўсмирлар терма жамоаси эса айни кунларда Тошкентда, Осиё чемпионати саралаш турнири арасида Ўзбекистон — Қатар ўсмирлар терма жамоалари ўртасида ўртоқлик учрашувини уюштириш режалаштирилган.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Мутахассис маслаҳати

ОЗОДАЛИК — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Вирусли гепатитнинг А ва Е турлари — юқумли касаллик бўлиб бунда вирус жигар ҳужайраларини жароҳатлайди. Вирус одам организмига оғиз орқали вирус билан зарарланган сув ва озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилиш оқибатида юқади. Касаллик гепатит билан оғриётган беморлардан юқади.

Шу боис бемор фойдаланган идиш-товоқлар, чойшаб, ёстиқ жилди, кийим-кечаги, ўйинчоқлари, сўриқчилари ва бемордан қолган овқат қолдиқлари вирус билан зарарланган бўлиши мумкин.

Касалликнинг юзга келишига тозаллик-кариоз қилмаслик, яъни овқатланишдан олдин қўлларни совуналда ювмаслик, мева ва сабзавотларни ювмасдан истеъмол қилиш ҳамда қайнатилмаган суви ичиш сабаб бўлади. Шунинг учун касаллик кўпроқ болаларда учрайди. Пашшалар касаллигини юқишида етакчи роль ўйнайди. Биргина пашша ичаги, қаноти ва танасида миллионлаб касаллик қўзғатувчи микробларни, шунингдек гепатит вирусларини ҳам ташийди.

Организмга вирус тушиши билан касаллик бирдангина бошланмайди. Дастлаб вирус организмда кўпаяди. Бу давр клиник белгиларсиз кечеди ва касалликнинг яширин даври дейилади. Бу давр гепатитнинг А ва Е турларида 3-6 ҳафтагача давом этиши мумкин.

Кейин касалликнинг сариклик даври бошланади. Бунда кўзнинг шилиқ қавати, тери сарғая бошлайди. Сарғайиш даври 1-2 ҳафтагача давом этади.

Баъзида сариклик аломатлари яққол кузатиламлиги мумкин. Юқоридаги ҳолатлар кузатилса, зудлик билан шифокорга мурожаат қилин. Касаллик қанча эрта аниқланса, даволаниш шунчалик тез самара беради. Ўзидан асорат қолдирмайди.

Касалликнинг яширин ва бошланғич давриларида ва яққол сариклик белгиларисиз турларида бемор атрофидагилар учун,

айниқса хавфли бўлади. У ўзи билмаган ҳолда, оила аъзолари, аиникса болаларга касаллиқни юқтириб қўйиши мумкин.

Беморга бадандаги сариклик ўтунча, одатдагидан кўра кўпроқ сувоқлик ичириг. Унга газланмаган сув, наъматак дахламаси, унча ширин бўлмаган компотлар, оддий қайнатилган сув ичириг. Бунда болага турли ширин тижорат ичимликлари (кока-кола, фанта ва бошқалар)ни бериш мумкин эмас.

Беморга қайнатиб ёки бугда димлаб пиширилган таомлар беринг.

Қовурма таомлар, думба, чарви каби ҳайвон ёғларидан тайёрланган таомларни истеъмол қилиш мумкин эмас. Парҳезга риоя қилиш зарур.

Тўри ташкил этилган парҳез жигарни зўриқтирмайди ва фаолиятининг тез тикланишига ёрдам беради. Беморнинг идиш-товоқларини алоҳида тутинг. Идишларни, беморнинг ўйинчоқларини, хожатхона анжомларини, буюмларини доимо зарарсизлантирувчи воситалар ёрдамида ювинг. Бунинг учун ҳозирги кунда замонавий воситалар мавжуд.

Барчамиз фарзандларимиз соғлиги учун саъулимиз. Уларни кичиклигидан шахсий гигиена қоидаларига ўратинг. Шундагина Сиз уларни нафақат гепатитдан, шунингдек кўпгина ошқозон-ичак ва гижжа касалликларидан ҳимоя қилган бўласиз.

Азизбек НИЗАМОВ,
Саломатлик ва тиббий статистика
институтини Тошкент шаҳар филиали
«Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш» бўлими бошлиғи

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРПОРАЦИЯ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСКИЧМА-БОСКИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИК АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари тақдоран қўйилмоқда: 1. Бектемир тумани СИБ томонидан 12.02.2013 й. № 1-13-сонли ижро ҳужжати асосан 1987 й. и.ч. «ГБАСНГ Газ 5205» д.р. 01 935 ТВА. Бошланғич баҳоси — 2 805 347,90 сўм. 2. Бектемир тумани СИБ томонидан 08.04.2013 й. № 1-74-сонли ижро ҳужжати асосан 1977 й. и.ч. «Ваз-2103» д.р. 10 Р 769 СА. Бошланғич баҳоси — 5 614 364,03 сўм. 3. Бектемир тумани СИБ томонидан 11.01.2013 й. № 1-57-сонли ижро ҳужжати асосан 2007 й. и.ч. «Газ 33020214» д.р. 01 418 DCA. Бошланғич баҳоси — 41 400 000 сўм. 4. Бектемир тумани СИБ томонидан 12.02.2013 й. № 1-13-сонли ижро ҳужжати асосан 1991 й. и.ч. «ГБАСПГ Кавз 3271» д.р. 01 823 NBA. Бошланғич баҳоси — 5 265 570,69 сўм. 5. Бектемир тумани СИБ томонидан 01.05.2013 й. № 1-237-сонли ижро ҳужжати асосан 1974 й. и.ч. «Ваз 2103» д.р. 10 S 081 DA. Бошланғич баҳоси — 5 359 328,07 сўм. 6. Бектемир тумани СИБ томонидан 31.01.2013 й. № 1-15/2013-сонли ижро ҳужжати асосан 2011 й. и.ч. «Нексия» д.р. 01 J 559 JA. Бошланғич баҳоси — 27 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 10 октябр кун соат 11:00 да бўлиб ўтади. 7. Бектемир тумани СИБ томонидан 12.02.2013 й. № 1-13-13-сонли ижро ҳужжати асосан 2010 й. и.ч. «Ласетти» д.р. 01 L 955 HA. Бошланғич баҳоси — 40 000 000 сўм. 8. Загнота тумани СИБ томонидан № 8358-сонли ижро ҳужжати асосан 1986 й. и.ч. «Камаз 5511» д.р. 10 Z 037 AA. Бошланғич баҳоси — 6 859 310 сўм. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Матқобуллов С/С А.Эрматов 11-А уй. 9. Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 15.04.2013 й. № 11-1329/1970-сонли ижро ҳужжати асосан 1990 й. и.ч. «Камаз» д.р. 11 AC 872. Бошланғич баҳоси — 15 174 000 сўм. «125-сонли Бўстонлиқ автокорхонаси» МЧЖ, Бўстонлиқ тумани Фазалкент шаҳрида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 25 октябр кун соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар кун (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагиди бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «SPARETRA» МЧЖнинг «Ипотек» банк» АТИБ Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 2020800004887305001, МФО: 00425, СТИР: 301829604. Аукцион голиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк кунги мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусов тумани, 17-дахда, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55.

«Respublika Mulk Markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси БОСКИЧМА-БОСКИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИК АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Аукцион савдоларида тақдоран: 1. Тошкент шаҳар Бектемир тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Бектемир тумани Х.Бойқаро кўчасидаги Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказининг далилий ашёларни сақлаш омборхонасида сақланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «Москвич-412» русумли, д/р 11Х8782 бўлган, 1983 йилда и/ч техник носоз автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати №2-24, 07.03.2012й. Бошланғич баҳоси — 806 911,11 сўм; 2. «Москвич-412» русумли, д/р 3011541 бўлган, 1987 йилда и/ч носоз автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 16.02.2010й, №1-45. Бошланғич баҳоси — 139 256,15 сўм; 3. «М-21 УС» русумли, д/р 11К2070 бўлган, 1963 йилда и/ч носоз автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 14.09.2009й, №1-674. Бошланғич баҳоси — 1 075 024,56 сўм.

II. Тошкент шаҳар Ҳамза тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «Камаз-53212» русумли, д/р 10АЗ071 бўлган, 1988 йилда и/ч, «Чкалов номидаги ТАИЧБ» ДАЖда сақланган автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 21.08.2009й №1-504/09. Бошланғич баҳоси — 6 154 290 сўм; 2. «Маз-35337» русумли, д/р 11Г82-11 бўлган, 1991 йилда и/ч, «61800-Н» сонли харбий қисмда сақланган автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 30.06.2010й №20. Бошланғич баҳоси — 14 339 640 сўм.

Аукцион савдолари 2013 йил 16 октябр кун соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2012 йил 14 октябр кун соат 18:00.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган зақалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Respublika Mulk Markazi» ЁАЖнинг ОАИБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аукцион савдоси ўтказилаётган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 25 сентябрда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити

Тошкент шаҳрида 25 сентябрь кун ҳаво шароити моддаларнинг бир бир оғ узариб туради, оз йилгилигига имконият бўлмайди. ят яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даметр тезликда шомол ражаси 1-3 фойз кўнай-эсади. Ҳарорат кечаси — ичи тахмин қилинмоқ-16-18, кундузи — 35-37 да, тағмиқдори паст даража иссиқ бўлади. бўлади.

Тошкент Оқшом

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 941

ТЕЛЕФОНЛАР: Ўзлонлар: 233-28-95, факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 8841 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

Нашр учун масъул Д. Исроиллов

Босишга топширилди: 14.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Ақмал АҚРОМОВ